



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 17 июль, № 138 (4291)

Сешанба

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадри дўстлар!
Барчангизни бугунги катта меҳнат ғалабага — 6 миллион 250 минг тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этишга эришганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу йил ғаллачилик соҳасида қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, авваломбор меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорлик даражасининг юқорилиги билан, ҳеч шубҳасиз, барчамизга қувонч ва гурурифтхор бағишлайди.

Мамлакатимиз бўйича суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига ўртача 48 центнерни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан қарийб 4 фоизга ўсгани бунинг яққол тасдиғидир. Айниқса, ҳосилдорлик даражаси Андижон вилоятида — 60 центнер, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида эса 50 центнердан ортиқ бўлгани, Олтинқул ва Қўрғонтепа, Вобкент ва Пайарик, Сарисий ва Денов, Қува, Китоб ва Яқкабғо каби туманларда эса 55-60 центнердан ошгани миришқор деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва беқиёс маҳоратининг ёрқин далили, десак, ўйлайманки, бутун халқимизнинг дилидаги гапни айтган бўламан.

Қишлоқ хўжалигида камдан-кам учрайдиган бу улкан муваффақиятни таъминлаган омиллар ҳақида гапирганда, унинг негизда биринчи ғалда соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий ҳаракатлантурувчи кучи бўлган деҳқон ва фермерларимизнинг эгаллик ҳиссиёти, уларнинг меҳнатга, ҳаётга фаол муносабати, манфаатдорлик ва масъулият туйғуси, дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу йилги етиштирилган мўл ҳосилнинг 100 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани бунинг яққол ифодасидир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар, илғор агротехника ютуқларини жорий этиш, уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, зараркунандаларга қарши курашиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилгани ҳам бу ютуққа эришишда асосий омил бўлганини қайд этиш ўринлидир.

Айни пайтда ишни ташкил қилиш, деҳқон ва фермер хўжалиklarини моддий-техник ресурслар, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, уларга хизмат кўрсатадиган вазирилик ва идораларнинг ўз вазифасини масъулият билан бажаргани, ҳосилни нест-нобуд қилмасдан конвейер усулида юқори суръат билан ўриб-йиғиб олиш, ғаллакорлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳам бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Сиз, азиз деҳқонларнинг пешона тери, азму шижоатингиз билан етиштирилган ғалла ҳосили ҳар қайси хонадонда тўқчилик белгиси бўлиб, эл-юрт дастурхонини тўлдириб, одамларнинг кўнглида эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаши ва бутун халқимиз Оллоҳ берган бу бебаҳо неъмат учун шукрона келтириб, уни юксак қадрлаб, сизларнинг шаънингизга чуқур миннатдорлик билдириши табиийдир.

Албатта, ҳали далаларимизда қиладиган ишларимиз кўп. Энг аввало, етиштирилган ғалла ҳосилини тўла йиғиб-териб олиш, ерни шудгорлаш ишларини сифатли амалга ошириш, шартнома мажбуриятларига қатъий амал қилган ҳолда, деҳқонларимизнинг ертўласига тушадиган дон масаласини оқилона ҳал қилиш, қишлоқда яшаб, шу юртга хизмат қилаётган бошқа одамларнинг таъминотини ҳам унутмаслик каби эзгу ишларни саховатли фермерлар, жойлардаги раҳбарлар охирига етказиши, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, ғаллакорларимиз эришган бу меҳнат зафари аҳолини нафақат дон маҳсулотлари билан таъминлаш, айни вақтда шунинг ҳисобидан даромад топиш, янги мавсумга ҳозирлик кўришда, жумладан, зарур техника воситаларини сотиб олиш, ерни тайёрлаш, истиқболли навларни танлаш сингари масалаларда ҳар томонлама кенг имкониятлар яратеди. Энг муҳими, бу улкан ютуқнинг қишлоқлардаги янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига таъсири жуда кучли бўлишини, бир сўз билан айтганда, юртимизни янада обод ва фаровон этишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Бугунги хурсандчилик кунда моҳир ғаллакорларимиз, механизатор ва комбайнчиларга, мутахассис ва мутасадди ходимларга сидқидилдан қилган меҳнатлари учун чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этаман.

Барчангизни бугунги ажойиб ғалабага билан яна бир бор қутлар эканман, ҳақиқий қахрамонлик ва фидойиллик тимсоли бўлган сиздек олижаноб инсонлар олдида бош эгиб таъзим қиламан.

Доимо соғ-омон бўлинг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг!

Хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин!

Хорманг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ҲАҚИҚИЙ
ҚАҲРАМОНЛИК ВА
ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

**6 миллион
250 минг тонна!**

Бу йил мамлакатимиз бўйича биринчи марта шунча миқдорда бошоқли дон етиштирилди. Ҳар гектар ғаллазордан ўриб-янчиб олинган ҳосил Андижон вилоятида **60** центнерни, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида **50** центнердан зиёдни, республикаимиз бўйича эса **48** центнерни ташкил этди.

Ғаллакорлар ғалабасига бағишланган мақолалар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз.

«ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР»

Самарқанд шаҳрида энг улуг, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» кўшиқ фестивалининг вилоят босқичи якунланди.

Унда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб чиққан 50 нафар ижодкор она-Ватанимиз, мустақиллик, тинчлик ва эзгуликни тараннум этувчи кўшиқлари билан иштирок этди.

— Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги арафасида ўтгани фестивалнинг аҳамиятини янада оширди, — дейди Самарқанд ви-

лоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи Зокир Тиллаев. — Шу боис, фестивалда қадим ва ҳамisha навқирон Самарқандни мадҳ этувчи кўшиқларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кўшиқлар ёшларимизнинг она-Ватанга муҳаббати, юртимизнинг порлоқ истиқболи, тараққиётига дахлдорлик туйғуси тобора мустаҳкамлашиб бораётганини яна бир бор намоён этди. Кўрик-фестиваль якунига кўра, Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусикали драма театри хонандаси Раъно Авазова биринчи, Ургут тумани маданият уйи хонандаси Бобурмирзо Яздонов иккинчи ўринга лойиқ топилди. Улар фестивалнинг республика босқичида иштирок этади.

Ҳ. ҲАСАНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. У давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг жорий йил биринчи ярим йиллик якунлари ва иккинчи ярим йилликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича тизимда бажарилган ишлар кўриб чиқилди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари томонидан яқинда имзоланган яна бир муҳим ҳужжат — «Алкоголни маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ижроси муҳокама этилди. Йиғилишда таъкидланишича, қонун талабларини бузган тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий чоралар қўллаш, жисмоний шахслардан ундирилмаётган мол-мулк, ер солиқларини ҳисобга олиш ва уларнинг шахсий варақларининг юриштирилишида камчиликларга йўл қўйилмакда. Шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги боқиманда қарзларни ундириш ҳамда пул маблағларининг банкдан ташқари айланishiни қисқартириш, ҳуқуқий иқтисодийнинг олдини олиш бўйича базис солиқ идораларида суғуланиш қилинаётгани кўрсатиб ўтилди. Ҳайъат йиғилишида қўриб чиқилган масалалар юзасидан навбатдаги вазифалар белгилашиб, уларнинг ижросига қаратилган қарор қабул қилинди.

С. РАҲМОНОВ.

ИСЛОМ ТАМАДДУНИГА ҚўШИЛГАН ҲИССА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Тошкентнинг 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бўладиган халқаро конференцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов бошчилигида мазкур анжуман тадбирларини уюштириш бўйича тузилган ташкилий қўмита аъзолари иштирок этди.

Ташкилий қўмита раиси Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро Ислам ташкилоти — АЙСЕКО уставига мувофиқ, ҳар йили араб дунёсидан икки шахар ҳамда Осиё ва Африка қитъаларидан биттадан шахар Ислам маданиятининг пойтахти, деб эълон этилишини журналистларга маълум қилди. Бундай шарафли нақомга эга бўлган жойлар рўйхатида Макка ва Исфаҳондек шахарлар ҳам бор. 2007 йилда эса обрўли халқаро ташкилот қарори билан Тошкент мана шундай пойтахтлардан бири, деб эълон қилинди.

Мазкур қарор, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг асрларро инсониятга буюк уламоларни, диний ва дунёвий илмларнинг қомусий олимларини етиштириб бергани билан изоҳланади. Унинг ҳудудда ислом даврида бунёд этилган 10 миңдан ортиқ меъморий ёдгорлик тўпланган. Ақдоқдорнинг улуғмисоний аҳамиятга эга илмий-маънавий мероси ҳамда тарихий ёдгорликларни тиклаш мустақиллик йилларидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларига, ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг доимий эътиборидаги масалага айлан-

ди. Бундай юксак эътибор тўғрисида бутун дунё мусулмонларига азиз саналган қўлаб муборак манзиллар қайта ростланди. Улар орасида бугунги кунда маънавий-ахлоқий тарбиянинг кўзга кўринган марказлари бўлиб қолган Самарқанддаги Имом Бухорий, Шохизинда, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд, Тошкентдаги Ҳазрати Имом меъморий мажмуалари ва бошқа иншоотлар бор.

Ўзбекистоннинг ислом тамаддуни ривожига қўшган ҳиссаси халқаро миқёсда эътироф этилишининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, мамлакат ҳуқуқати томонидан мазкур воқеага бағишланган илмий ва маданий тадбирларни ўтказиш юзасидан махсус қарор қабул қилинди. Ушбу қарор ижроси бўйича ҳозиргача қатор ишлар амалга оширилди, яна бир қанча махсус тадбирлар режалаштирилган. Байрам тадбирларининг

Э. БОЛИВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбек қорақўли» компанияси тизимдаги қорақўлчилик ширкат хўжаликларидан иш юритишининг оила пудрати шаклида амалга оширилиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

ТОПШИРИҚ 135 ФОИЗГА УДДАЛАНДИ

Хусусан, жорий йил қўй ва энқилар бош сони 22,1 миң бошга кўпайгани мутахассислар томонидан айнан ана шу ислохот меваси, дея баҳоланмоқда.

Компаниядан маълум қилишларича, тизимдаги ширкат хўжаликлари томонидан 2007 йилнинг биринчи ярмида 230,3 миң дон қорақўл тери, 1643,9 тонна жун, 8256,6 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. Қорақўл териларни марказлашган ҳолда сотиш мақсадида

«Бухоро Қорақўл» очик турдаги акциядорлик жамияти базасида улгуржи чакана савдо ярли шу йилнинг биринчи ярмида қорақўлчилик маҳсулотларини сотишдан 703,3 миң АҚШ доллари миқдорда валюта тушуми таъминланди. Яъни белгиланган топшириқ 135 фоизга уддаланди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республика Товар-хонашў биржасининг Сурхондарё филиалида савдо-дақиқ ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **152,9** фоиз ўсди.

Бу ерда электрон биржа савдоси йўлга қўйилгани, брокерлар ўрни кўпайтирилгани, айниқса, ёниги-мойлаш материаллари, пахта толаси, ун, шакар, цемент ва ўсимлик ёғи каби маҳсулотлар бўйича савдо шартномалари харидорларнинг талаб-эҳтиёжлари асосида тузилгани шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.

ФАРОВОН ҲАЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Ўзбекистон аҳолисининг эҳтиёжини қондириш учун галланинг 80 фоизи, яъни 4 миллион тоннадан кўпроқ дон четдан келтирилган эди. Фақат

Кувонч

истиқлол туфайлигина ўзбек халқи елкасига офтоб теги. Ўзимизни ўзимиз дон билан таъминлаш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан ўтган йиллар мобайнида аҳолига томорқа участкаси учун ер берилди, пахта яққа-қоқимлигига чек қўйилиб, бошоқли дон экинладиган майдонлар кенгайтирилди, деҳқон ва фермер хўжаликлари тисмолида замин ўз эгасини топди, одамлар тафаккурида мулкка, ерга эгалик тўғриси ўзгарди.

Бугунги кунда эса республикамизда 190 миңдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 14 миллион киши меҳнат қилаётди. Давлатимиз

раҳбари таъкидлаганидек, биз танлаган йўл тўғри эканини ҳаёт кўрсатмоқда, яъни ўз самарасини бермоқда. 2000 йилда юртимизда етиштирилган жами галла ҳосилининг 15 фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 100 фоизга етгани бунинг ёрқин исботидир.

Шу ўринда таққос учун яна бир далилни келтириб ўтсак. 1988 йилда Ўзбекистонда гектар ҳисобига атиги 13,5

центнердан галла тайёрланган эди. Бу йил эса гектарлар ҳосилдорлиги 48 центнерга етди! Бу аслида, галлачилик соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилган чоратадбирлар натижасидир. Жумладан, сўнгги йилларда жойларда селекция ишлари жонлантирилиб, мамлакатимизнинг иқлим ва тупроқ шароитига мос, турли касаллик ва зараркундаларга чидамли, тезпишар ва юқори ҳосил-

ли бугдой навлари яратилди. Бошоқли экинларни парваришнинг арготехнологиялари ишлаб чиқилиб, дон уруғчилиги йўлга қўйилди. Фермер хўжаликлари янада ривожлантириш учун уларни минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва техника воситалари билан таъминлаш яхшиланди, ҳисоб-китоб ишлари ўз вақтида амалга оширилди, фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма эса шакллантирилди.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Кексалар иззатда

Ғамхўрлик ва эътибор қандай кўринишда бўлмасин, ҳамиша кўнгилларга қувонч улашган. Булоқбоши тумани ҳокимлиги мутасаддилари ўтган ой бошидан бўён қариялар учун мамлакатимиз ва вилоят бўйлаб саёҳатлар уюштириб келмоқда.

● Даставвал, фахрийлар Андижон шаҳри маркази, янги Ўш кўчасидаги Дуқчи Эшон музейи, А.Навоий истироҳат боғи, Хотира майдони, Бобур номидаги драма театри каби диққатга сазовор гўшаларга таъриф буюриб, маданий ҳордиқ чикардилар. Шунингдек, вилоятда олиб борилаётган бунёдкор-

лик ишлари билан яқиндан танишдилар. Кўни кеча эса фахрийлар Андижон-Самарқанд-Бухоро-Андижон ва Фаргона вилояти йўналиши бўйлаб йўлга чиқиди. Улар сафар давомида қадимий обида ва муқаддас қадимларни зиёрат қилишни режалаштирганлар.

М. ОХУНОВА.

Янги оилалар маскани

Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижроси жойларда ҳавли тўйлари кўпайишига сабаб бўлаётди.

● Хатирчи туманининг олис Тасмачи ва Навандқал қишлоқлари орасида ястанган адирлар чўлқувлар томонидан ўзлаштирилиб, ям-яшил пахтазорга айлантирилган. Қудратли насослар билан сув келтириб, деҳқончиликка қўл урган фермерлар учун бу манзилда эндиликда Олтинобод кўрғони бунёд этилган бўлди. Яқинда 9 нафар оила бу манзилда ҳовли қуришга киришди. Бу янги кўрғонга 100 нафарга яқин оила қўчиб келиши мўлжалланаётди. Худди шундай режа асосида туман марказидаги Янгиработ шаҳарчаси ҳам йил охиригача 189 ёш оиланинг қурилаётган уйлари ҳисобига кенгайди. Фермер хўжалиги ишчилари, ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар, тиббиёт ходимлари ва ўқитувчиларга биринчи галда уй қуриш учун қўмақ берилмоқда.

Бахриддин САДРИДИНОВ.

Мақсад — фаолликни ошириш

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ташаббуси билан республикамиз миқёсида 14 та янги ёшлар ташкилоти юзга келди.

● Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудларида ташкил этилган ушбу ташкилотларни тузишдан асосий мақсад ёшларни жамиятда, хусусан, ижтимоий, маданий ҳаётда фаоллаштириш ҳамда шу йўл орқали уларнинг аҳолини яхшилашдир. Эслатиш лозимки, ушбу янги ташкилотларнинг етакчилари ҳам ёшлардан иборат. Яқинда уларга ташки-

Қ. ХИДИРОВ.

Бугун, ҳолисанилло айтганда, ҳар ким ҳайрат ва иқрор, таажжуб ва қувонч, гурур ва ихтифोर туйғулари оғушида яшамокда. Одамлар каломида шундай шафоатли туйғулар бамисоли субҳидам насимининг елпичидаги тоза ҳаводек уфуриб турибди. Ахир, нечун шундай бўлмасин?! Сабаби аён: ана шу Ватанимиз ва халқимиз хирмонига уйилган 6 миллион 250 миң тонна сара дон — бу ўзбек галласи! Бу — Президентимиз

нинг «Биз истиқлол йилларида том маънода галла мустақиллигига эришдик, бугунги кунда фақат ўзимизни галла билан таъминлаб қолмасдан, айни вақтда галла ва ун маҳсулотларини экспорт ҳам қилмоқдамиз» деган сўзларининг яна бир амалдаги тасдиғи!

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифидан руҳланган галлакорларимиз жорий йилда галладан мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга 253 миң 832 тонна сара дон сотилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига ўртача 60 центнерни ташкил этди.

САРА НАВЛАР ХОСИЯТИ

Избоскан, Олтинкўл ва Қўрғонтепа туманларида эса ундан ҳам юқори натижаларга эришилди. Фермерларимиз уюшқоқлик билан меҳнат қилганлари, уларга минерал ўғит ва бошқа ресурсларнинг ўз вақтида етказиб берилгани, айниқса, ҳар бир туманда серҳосил, истиқболли навларнинг жойлаштирилиши ана шу муваффақиятлар омили бўлди.

Маълумки, сара дон истиқболли навлардан яратилади. Олимларимиз ва мутахассисларимиз кейинги йилларда Россиянинг Краснодар қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтининг жамоаси билан ҳамкорликда кузги бугдойнинг истиқболли "Андижон-1", "Андижон-2", "Краснодар-99", "Чиллаки" каби навларини яратдилар. Улар синовдан муваффақиятли ўтиб, бизнинг тупроқ, иқлим шароитимизга мослигини, эртапишар, юқори ҳосилли, касалликларга чидамли эканлигини, донининг сифати ва тош босиши мақбуллигини исботлади. Шу боис келгуси йили мазкур навлар экинладиган майдонларни кенгайтириш мақсадида етарли миқдорда уруғлик тайёрлаб қўйдик. Шу билан бирга, жорий йилда Краснодардан келтирилган "Нота" ва "Таня" навлари ҳам иқлимимизга мос тушди, тупроғимизни ёқтирди. Синовдан муваффақиятли ўтган ана шу навлар уруғини истиқболда кенг майдонларга жойлаштиришни режалаштирмоқдамиз.

Равшанбек ТўЛАНОВ, Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг галлачиликни ривожлантириш ва навларни жойлаштириш бўлими бошлиғи.

ФЕРМЕРЛАРГА ЕЛКАДОШМИЗ

Мен ўз касбимдан фахрланаман. Деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган галла ҳосили ўз вақтида, нест-нобуд қилинмасдан йиғиштириб олиниши кўп жиҳатдан биз, комбайнчиларга боғлиқ. Машина-трактор паркимизда 6 та дон ўриш комбайни мавжуд. Ўрим-йиғим мавсумида унинг ҳар бирига тўрттадан механизматор ва ёрдамчи гуруҳлар бириктириб қўйилгани ўз самарасини берди: агрегатлардан умумий фойдаланилди. Ҳар бир комбайнчи кунига камида 23-25 гектар майдондаги бугдой ҳосилини ўриб-янчишга эришди. Мен раҳбарлик қилган гуруҳ эса мавсум мобайнида 400 гектардан зиёд галлазордаги ҳосилни тез, нобуд қилмай, агротехника муддатларида йиғиштириб берди.

Республикамизнинг бугунги улкан хирмониде фарғоналикларнинг 282,3 миң тонна, жумладан, тошқоқилларнинг 14 миң тоннадан зиёд улушлари бор экан, бунда биз фермерларга елкадош бўлганимиздан фахрланамиз.

Акбаржон ТЕШАБОВЕВ, комбайнчи, Тошлоқ тумани.

Фаллакорларимиз чўл шароитида бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштиришда катта тажриба тўплашган. Бу йил ҳам 2370 гектар майдондан 94 миң тонна дон йиғиштириб олинди. Унинг 44 миң 685 тоннаси шартнома бўйича тайёрлов корхоналарига топширилди.

ДАСТУРХОНИМИЗ ФАЙЗУ БАРАКАСИ

Қолган галланинг ҳаммаси эса деҳқонларнинг ўзларига қолдирилди. Тажриба бугдойнинг "Чиллаки", "Қулава", "Уманка", "Половчанка" навлари бизнинг шароитга мослигини кўрсатди. Деҳқонларимиз айни шу навларни танлаб, галла майсаларини парваришладда агротехника қоидаларига тўлиқ амал қилганлиги туфайли туманимиз бўйича галла ҳосилдорлиги гектар бошига 42 центнерни ташкил этди. "Саховат", "Турдиали бобо", "Найзор", "Номозов Акбар", "Бомборуд ўғли Аллаберди" каби юзлаб фермер хўжалиқларида бу кўрсаткич 45-50 центнерга етди. Муҳими, жами ҳосил 28 иш куниде ўриб-йиғиб олинди. Айни кунларда ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб, келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратилмоқда.

Ғайбулла ҚОРАБОВЕВ, Қашқадорё вилояти, Миришкор тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи.



НОНИМИЗ ДОИМ БУТУН БЎЛСИН

Мустақиллик шарофати туфайли донимиз, яъни ризқ-рўзимиз бўлиши номимизни ўзимиз яратамиз. Шунинг ўзи гуруримизга-гурур қўшмоқда, эртанги кунга ишончимизни осирмоқда. Айниқса, ер ўз эгасини топгани — фермерларга бўлиб берилгани заи иш бўлди. Бугун нафақат фермерлар, балки биз, ишчилар ҳам қанча яхши ишласак, шунча манфаатдор бўлишимизни англаб етдик.

Алмурад АННАЕВ, Термиз туманидаги "Сурхон воҳаси" фермер хўжалиги ишчиси.

Бу йил 82 ёшга кирдим. Уруш ноғирониман. Пенсияга чиққунимга қадар чорвачилик билан шуғулланганман. Бугун эса фарзандларим, набираларим ардоғидаман. Пенсия пулини вақтида оламан. Рўзгоримда камчилик йўқ.

МЕҲРИНГИЗГА МЕҲРИМ ПОЁНДОЗ

Туманимиз раҳбарлари нафақат байрамларда, балки оддий кунларда ҳам бизни йўқлаб туришади. Улар хонадонимга кириб келишганида, ёш боладек яйраб кетаман. Мендек бир қариядан хабар олишларидан, ҳол-аҳвол сўрашларидан қувонаман. Яқинда туманимиз ҳокими Акбар Жамиловнинг ўзи келиб, мен билан анча сўхбатлашди. Бу йил галла мўл бўлганини, барча фермерлар шартномавий режаларини ошириб бажарганини гапириб берди.

Раим САИДОВ, Нарпай туманидаги Мирбозор шаҳарчасида яшовчи пенсионер.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тезкор равишда қўмақлаштириш мақсадида учрашувлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Ҳудудлар номи	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг телефон рақамлари	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг телефон рақамлари	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг телефон рақамлари	Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари телефон рақамлари
Қорақалпоғистон Республикаси	(8-361) 222 30 03	(8-361) 2222357	(8-361) 2237193	(8-361) 7707101
Андижон вилояти	(8-374) 222 14 55	(8-374) 2221445	(8-374) 2244594	(8-374) 2981101
Бухоро вилояти	(8-365) 223 34 52	(8-365) 2233013	(8-365) 2237416	(8-365) 7701101
Жиззах вилояти	(8-372) 226 40 24	(8-372) 2263447	(8-372) 2263581	(8-372) 7717101
Қашқадорё вилояти	(8-375) 226 13 45	(8-375) 2250036	(8-375) 2230164	(8-375) 7711101
Навоий вилояти	(8-436) 225 18 03	(8-436) 2237900	(8-436) 2238074	(8-436) 7703101
Наманган вилояти	(8-369) 226 14 42	(8-369) 2265189	(8-369) 2265193	(8-369) 2231101
Самарқанд вилояти	(8-366) 235 44 61	(8-366) 2340410	(8-366) 2330462	(8-366) 2101101
Сурхондарё вилояти	(8-376) 222 77 68	(8-376) 2227439	(8-376) 2275861	(8-376) 7708101
Сирдарё вилояти	(8-367) 225 25 59	(8-367) 2253605	(8-367) 2253050	(8-367) 2211101
Тошкент вилояти	(8-371) 135 53 99	(8-371) 1376017	(8-371) 3635096	(8-371) 1509101
Фарғона вилояти	(8-373) 224 07 05	(8-373) 2243391	(8-373) 2241549	(8-373) 2297101
Хоразм вилояти	(8-362) 224 04 60	(8-362) 2271100	(8-362) 2264786	(8-362) 7705101
Тошкент шаҳри	(8-371) 132 00 97	(8-371) 1446045	(8-371) 1629242	(8-371) 1503101

ЖАҲОН

24 соат ичида

Ядро реактори тўхтатилди

МАГАТЭ инспекторлари Шимолий Кореянинг Йонбонда жойлашган ядро реактори тўхтатилганини тасдиқлади...

Қирувчи самолёт кулаб тушди

Бағдодда Америка ҳарбийларига тегишли «F-16» қирувчи самолёти кулаб тушди...

Японияда кучли зилзилалар

Кеча Японияда уч марта кучли ер силкинди. Биринчи табибий офат мамлакатнинг Хонсю ороли қирғоқларида рўй берди...

Муроса йўлини излаб

Қатор таклифлари тақдим этмоқчи. Маҳаллий матбуот тарқатган хабарларда айтилишича, Исроил томони террорчилик ҳаракатлари амалга оширилганда айбаниб...

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Ўзметкомбинат» АИЧБ

Тўлиқ технологик циклли рангли металллар ишлаб чиқариш корхонасида қуйидаги маҳсулотлар тайёрланади:

Мис лента, тунука (лист) ва металл тилим (полоса)



Техник тавсифи:

қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда...

Жез (латунь) лента, тунука ва металл тилимлар

Техник тавсифи:


қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда...

0,5 мм. қалинликдаги мис

тунукадан тайёрланган металлочерепица

Ишлаб чиқариш корхонаси Европанинг (Италия, Австрия, Швейцария, Германия) етакчи фирмалари замонавий ускуналари билан жиҳозланган...

Маҳсулотлар жаҳон стандартлари талабига жавоб беради. Улар миллий ва халқаро сертификациялаш тизими бўйича сертификатланган.



Юқори сифатли маҳсулотимизни тезда етказиб беришга кафолат берамиз!

Манзилимиз:

Ўзбекистон Республикаси 410502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри. Телефонлар: (+998 370) 913-15-22, (+998 370) 912-37-94...

Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади:

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ - қурилиш бўйича олий маълумотли; - қурилишдаги иш стажы — камида 5 йил; - раҳбарлик иш тажрибаси — камида 3 йил; - ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак. Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.

АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИ СОҒЛИГИМИЗ ГАВОИ!

EKONORDRAGMET

СТРГ СОРБЕНТИ

Ишлаб чиқаради ва янги ноёб технология бўйича саноят корхоналари, чиқинди сувоқликлари, сув устидаги нефть маҳсулотлари, мейлар, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган бошқа зарарли моддалардан халос қилиш учун СТРГ сорбентини қўлданган ҳолда иш олиб боради.

СТРГ юқори шимиб олиш хусусиятига эга бўлиб, 1 кг. сорбент 40 кг. дан 60 кг. гача тўқилган нефть ва нефть маҳсулотларини шимиб олади.

Ўзбекистон, 100015, Тошкент ш., Афросиёб к., 12-й. Тел.: (99871) 152-15-84. Факс: (99871) 152-74-14. E-mail: ekonordragmet@mail.ru; eko-uz@yandex.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»ни эшигини очишингиз билан «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун!» деган қанотли иборага дуч келасиз. Кўз ўнгингизда бурунги ҳайбатли ва зиркли банклар атрофида узундан-узун, қаватма-қават наватларда турган одамлар намён бўлади...

Банк ва мижоз

сидаги келишувга асосан, мазкур банк кредит линиялари ҳисобидан қўшимча равишда умумий суммаси 394,2 млн. сўмга тенг бўлган 15 дон «ТТЗ-8011» трактори ва қишлоқ хўжалиги учун 25 донадан ортиқ бошқа техникалар вилоят хўжалиқларида етказиб берилди.

ушун янги иш ўринлари барпо этиш имкониятлари яратилмоқда. Жумладан, кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳисобига яратилган ишчи ўринлари сони 2007 йилнинг бошига нисбатан 10873 тага кўпайди. Кредитлар ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 8 941,4 млн. сўмга ошди.

сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони ҳам ана шу эзгу мақсадни кўзлайди. «Пахтабанк» ходимлари мазкур Фармон ижросини таъминлаш, аёлларнинг мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида ҳам салмоқли ишларни бажарди.



ва далилларимиз АТ «Пахтабанк»нинг ўз мижозларига кўрсатётган хизматлари сифати ошиб бораётганини, жамоа жойлардаги филиаллари билан биргаликда юрт тинчилиги, Ватан тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида катъий ва фаол меҳнат қилаётганини кўрсатади. Биз бу фаолиятни уларнинг «Иқтисодий ҳимоя йили» муносабати билан амалга ошираётган ишлари ҳам, пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини тақомиллаштириш, аҳолининг бўш маблағларини банк омонатларига жалб қилиш бўйича бир қатор муддатли омонат турларини жорий этиш, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Еш оилаларни тўғрисида»ги 308-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, 2007 йил 1 июль ҳолатига кўра, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 3678,8 млн. сўм миқдорда ва Бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1921,5 млн. сўм, жами 5600,3 млн. сўм микрокредитлар ажратилди. Демакки, белгиланган прогноз 116 фоизга бажарилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига 3839 та янги ишчи ўрни яратилди ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 1613,3 млн. сўмни ташкил қилди.

ИМКОНИЯТЛАР ЭЛ МАЪМУРЧИЛИГИ ЙЎЛИДА



дан ҳам кўра бўлади. Ҳисобот даврида «Пахтабанк» томонидан кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиқларига ажратилган микрокредитлар ҳажми янада ортиди. 2007 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, микрокредитлар 13 637,9 млн. сўмни ташкил этди. Яъни, микрокредитлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3687,0 млн. сўмга ўсди ёки 137 фоизга кўпайди.

лакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш бўйича дастурий ишлар режаси яратилиб, ҳаётта таъбиқ қилинаётди. Унлаб Фармон ва қарорларнинг негизда тадбиркор аёллар фаолиятини жонлантириш, уларга қўлай имкониятлар яратиш мақсадида ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бора-

Айниқса, акциядорлик тижорат «Пахтабанк»и ва унинг филиаллари қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга мос ва хос тарафда иш юритилмоқда. Жумладан, шу йўналишдаги долзарб чора-тадбирларни қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан амалда бажарилишини таъминлаш борасида муайян ишларни бажарилмоқда. Банк томонидан кредит маблағларини иқтисодиётнинг реал секторларига, хусусан, аҳоли учун зарур бўлган истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган технологияларни сотиб олишни кредитлашга йўналтириш ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобига нақд пул тушумларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

катларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уларга яратилаётган шарт-шароитлар кўзини қувонтиради. Шу туфайли бугун ўз ҳисобидан мактаб ва боғчалар, маҳалла ва гузарлар, спорт иншоотлари қураётган савобталаб фермерлар кўпчилигини ташкил этади. «Пахтабанк» хамиша ана шундай инсонлар билан ҳамнафас ва бақамти яшамоқда. Уларга елкадош ва камарбаста бўлмоқда. Ишонмасангиз, рақамларни бирма-бир мўқояса қилиб кўринг: деҳқон ва фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида 9 145,0 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич 2006 йилнинг 1 июль ҳолатига таққосланганда, 1304,7 млн. сўм ёки 117 фоиз зиёддир. Биз ушбу кўрсаткичларнинг амалий тасдиғини банкнинг Тошкент вилояти филиаллари фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. Вилоятда ўтган давр мобайнида биргина қишлоқ хўжалигини кўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар ҳисобидан 97 та қишлоқ хўжалиқ техникаси, жумладан, умумий қиймати 2813,4 млн. сўмлик 23 дон «Class Dominator» дон ўриш комбайни, умумий қиймати 966,1 млн. сўмлик 40 дон «ТТЗ-80» ва «МТЗ-80» русумли 40 донга ҳайдов ва транспорт трактори ҳамда 1583,7 млн. сўмлик севалка, тележка, ОВХ пурақчалари каби техникалар сотиб олинди. Шунингдек, жорий йилда «Пахтабанк» ва Осиё Тараққиёт банки ўрта-

Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдәмчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 308-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, 2007 йил 1 июль ҳолатига кўра, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 3678,8 млн. сўм миқдорда ва Бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1921,5 млн. сўм, жами 5600,3 млн. сўм микрокредитлар ажратилди. Демакки, белгиланган прогноз 116 фоизга бажарилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига 3839 та янги ишчи ўрни яратилди ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 1613,3 млн. сўмни ташкил қилди.

Энгирон БОЛИЕВ

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

НАФОСАТ ВА ЭПЧИЛЛИК БАЙРАМИ



Наманганда яна бир оммавий спорт байрами — III "Тўмарис — 2007" аёллар фестивали бўлиб ўтди.
Дарвоқе, жасурлик, чаққонлик, матонат ўзбек аёлига Тўмарис момодан қолган мерос. Ишчан ходим, саришта уй бекаси бўлган аёлнинг спортнинг у ёки бу турига ҳавасманд бўлганига нима етсин. Орамизда ана шундай иқтидор эгаларининг кўпайиб бораётгани кишини қувонтиради.

Наманган шаҳридаги бешта замонавий иншоотда ўзаро баҳса-киришди. "Дўстлик" академик лицейи спорт залда стол тенниси бўйича кескин курашнинг устидан чиқди.
— Ўттиз тўқузга кирдим, тўрт нафар фарзандим бор, — дейди Навоий виллояти Хатирчи туманидаги Навоий номли қишлоқ фуқаролар йиғинидан келган Нодира Холмуродова. — Сигир соғаман, пилла қурти боқаман, рўзгорни уддалайман, бундан орттириб, теннисга вақт топаман. Мунтазам шуғулланиш, энг аввало, соғлигимга наф, қолверса, катта-кичик мусобақаларда қатнашиб, шаҳар-қишлоқларни қўраман, дугона ортираман.



Фестиваль

Бултур Газалякентда ўтказилган "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" таловида майдонга тушдим. Наманганда ҳам яхши натижаларни қўлга киритишдан умидворимен.
Иштирокчилар орасида қизлардан тортиб, нафақадagi аёлларгача бор. Шахмат донасини сураётган наманганлик Тамилла Вафоевичнинг институти туғатиб, компьютер дастурчи сифатида иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Бухоронинг Қорақўлидан келган Зебо опа Нуриддинова эса 57 ёшда муаллимликдан нафақага чиққан. Иқовлонинг олтиши тўрт катта устидagi баҳси кескин бо-
рапти.
Мусобақанинг дастлабки

куни "Ёшлик" сузиш ҳавасида "сув парилари" беллашди. Эллик метрга эркин усулда сузишда ёшлар ўртасида Тошкент шаҳридан Светлана Черняева энг юқори натижага эришган бўлса, катталар ўртасида унинг ҳамшаҳри Маргарита Звездочникова йилгича беш метрлик мар-
рани қўсқа фурсатда забт этиб, олдинги ўринга чиқиб олди. "Динамо" стадионидаги юз метрга югуриш баҳсида эса наманганлик энгил атлетикачи Виктория Иканова пешқадамлик қилди.
Анжуман низомига бу гал халқ уйинларининг янги тури — қоп ичига тушган ҳолда масо-
фани сакраб босиб ўтиш, "Қирқ тош" сингари мусобақалар ҳам киритилди.

Спорт байрами кунлари "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида турли концертлар, ижодий анжуманлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари таш-
кил этилди.
Мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова, Наманган виллояти ҳокими И. Нахмиддинов иштирок этди.
Б. ЭГАМҚУЛОВ,
К. НАЖМИДДИНОВ,
"Халқ сўзи" мухбирлари.
М. АМИН,
Х. МАМАДАЛИЕВ (Ў.А.)
олган суратлар.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спортни омма-
лаштириш, соғлом турмуш тар-
зини қарор топтиришга алоҳида
эътибор берилмоқда. Республи-
ка Президентининг "Ўзбеки-
стон Хотин-қизлар қўмитаси
фаолиятини қўллаб-қувватлаш
борасидаги қўшимча чора-тад-
бирлар тўғрисида"ги Фармони
аҳолининг маъзур қатлами ора-
сида жисмоний тарбия ва спорт-
ни кенг тарғиб этишда дастури-
ламал бўлиб хизмат қилмоқда.
Шу жиҳатдан олганда юртимиз-
да аъёнжавий ўлкада келин-кел-
ган "Тўмарис" уйинлари хотин-
қизлар ўртасида анги-янги ис-
теъодларни қасб этишдан, аёл-
лар спортни саҳифаларини
юқас натижалар билан бой-
табтгани билан аҳамиятлидир.
Таъкидлаш жоизки, фести-
валь нудузи йилдан-йилга ор-
тиб, тобора оммавийлик касб
этибди. Бу йилги спорт анжу-
манининг туман ва вилоятлар-
да ташкил этилган беллашу-
ларда 1 миллион 718 миң на-
фардан ортиқ хотин-қизлар қат-
нашди. Иштирокчиларнинг ак-
сарияти эса уй беклари, пил-
лақур-пахтакор, талаба-ёшлар,
тадбиркор ва маҳалла фаола-
ридир. Майдонга тушганлар са-
фидa ўқувчилар, шифокор ва
фермерлар борилиги кишини
қувонтиради. Энгил атлетика,
синохрон сузиш, бадий гимна-
стика, волейбол, баскетбол, стол
тенниси, шахмат-шахка, акро-
батика опа-сингилларимиз се-
виб шуғулланаётган спорт тур-

ларига айланиб қолди. Уларга
машғуллот жойи сифатида за-
монавий стадион ва маъсуз зал-
лар, маҳалла спорт мажмула-
ри барпо этиб берилаётгани нур
устига нур бўлди.
Ўзбекистон мустақиллигининг
16 йиллигига бағишлан-
ган ҳамда "Иқтимоий ҳимоя
йили" Давлат дастури доираси-
да ташкиллаштирилган спорт
байрамида Наманган ақли Қора-
қўлпокистон Республикаси, Тош-
кент шаҳри ва вилоятлардан
таширғиб буорган 300 дан ортиқ
спортчи аёлларни гуллар билан
қарши олди. Улар мусобақалар
жараёнида спортнинг етти тури —
волейбол, стритбол, стол тен-
ниси, шахмат, энгил атлетика,
сузиш, синохрон сузиш бўйича
кўч синнашляпта. Бундан таш-
қари миллий уйинлар йўнали-
шида арқон тортиш ва "Кўноқ
стартлар" баҳси ўштирилади.
Анжуман "Спорт маликаси"
номинидаги соҳибсини аниқла-
ш билан бошланди. Шу мақ-
садда ташкил этилган талов-
да саҳнага тушган ўн уч даъво-
ғар ўзини таништириш, савол-
жавоблар, эркин мавзу ва спорт
масъалларини баҳариш шартла-
ри бўйича беллашди. Ҳажан-
лар ҳайати акробатика маш-
қарининг устаси, муомтоз ашу-
лани жонли ижрода маромига
етказган сурхондарёлик Нилу-
фар Муҳаммадиевани голиб,
деб топилди.
Фестивалнинг иккинчи кун-
ида асосий мусобақаларга старт
берилди. Спортчи қиз-жувонлар

ФАҚАТ ГАЛАБА КЕРАК

Осиё кубогига иккинчи тур учрашувлари ортда қолди. Тўғриси, бу сафарги мусобақалар қўтилмаган натижалари билан мухлисларни ҳайратга солмоқда. Фикрини кўб беллашувлари арафасида пешқадам сифатида қайд этилган жамоаларнинг қатар-
расига очко йўқотаётганлиги ҳам исботлайди.

Бирлашган Араб Амирликлари
футболчиларининг изоғичи турдаёқ
мусобақани тарқ этиши, Жанубий
Корея жамоасининг ўз гуруҳида
сўнги ўринда бораётганлигини
ҳам қўтилмаган натижалар сифа-
тида баҳолаш мумкин. Уммон —
Австралия ўйинида дуранг нати-
жа қайд этилганида кўпчилик уни
тасодифга йўйишган эди. Лекин,
"Яшил қитъа" вакиллари кейинги
турда Ироқ футболчиларига (1:3)
ютқазиб қўйишди. Мутахассис-
лар фикрича, кўб бахсларида
юлдуз футболчиларига эга юрт
вакиллари эмас, балки жамоавий
ўйин намойиш этганлар яхши на-
тижаларга эришмоқдалар.
Энди бевосита ҳамюртлари-
мизнинг мусобақалардаги ишти-
роки ҳақида. Эътибор берадиган
бўлсак, Эрон жамоаси билан
ўйинда йилгича биз кутган
ўйинни намойиш эта олмади. Бу-



тун ўйин давомида вакилларимиз
рақиблар дарвозасига беш, олти
марта хавфли вазиятлар юзага
келтира олдилар, холос.
Иккинчи турда футболчилари-
миз Малайзия терма жамоаси-
ни 5:0 ҳисобида доғда қолдирди-
шди. Бу ҳозирча, "Осиё кубоги —
2007" даги энг йилрик ҳисоб.
1996 йилги Осиё кубогига биз-
ни дуранг ҳам қаноатлантирадиган
ўйинда Сурия футбол жамоаси

сига мағлуб бўлган эдик ва ке-
йинги босқичга Хитой жамоаси йўл
олган эди. Демак, ҳисоб-китоб
қилиш учун қулай фурсат келди.
Йилгича биз маҳорат, тақриба
бобида Хитой жамоаси футбол-
чиларидан кам эмас. Терма жа-
моамизнинг ёш иқтидорли ҳимоя-
чиси Виталий Денисов Малайзия
футболчилари устидан галаба
қозонишда жамоавий ўйин на-
моийиш этилгани асосий омил
булганлигини таъкидлади. Агар,
йилгича биз Ватан шаънини
қимом қилаётганликларини диддан
ҳис этиб майдонга тушишса, умид
қиламизки, кўтилган натижага эри-
шамиз. Демак, барча масала 18
июль кунини ҳал этилади. Ўзбеки-
стон футболчиларини бу баҳсда фа-
қат галаба қаноатлантиради.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Иккинчи турдан сўнг гуруҳлардаги вазият куйидагича кўриниш олган:

«А» гуруҳи:	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
Ироқ	2	1	1	0	4-2	4
Таиланд	2	1	1	0	3-1	4
Австралия	2	0	1	1	2-4	1
Уммон	2	0	1	1	1-3	1

«В» гуруҳи:	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
Япония	2	1	1	0	4-2	4
Вьетнам	2	1	1	0	3-1	4
Қатар	2	0	2	0	2-2	2
БАА	2	0	0	2	1-5	0

«С» гуруҳи:	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
Хитой	2	1	1	0	7-3	4
Эрон	2	1	1	0	4-3	4
Ўзбекистон	2	1	0	1	6-2	3
Малайзия	2	0	0	2	1-10	0

«Д» гуруҳи:	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
Саудия	2	1	1	0	3-2	4
Арабистони	2	1	0	1	3-3	3
Индонезия	2	1	0	1	3-3	3
Жанубий						
Корея	2	0	1	1	2-3	1

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-3221 Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4x4) «Тез ёрдам» Махсулот сертификатланган

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАЪСУЗ ТЕХНИКАЛАРИНИ ЕТҚАЗИБ БЕРИШ УЧУН БЮЎРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь»
 ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, санаят моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқўтарғичлар, автостаноналар, бургулаш (бурувье), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар, АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилиги ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй,
 Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари:
 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ЭЛЕКТРОН ГАЗ ҲИСОБЛАШ УСКУНАСИ

Ташкилот замонавий компьютерга уланадиган, соатига 25 м³ дан 2250 м³ гача ўлчайдиган турли хил электрон газ ҳисоблаш ускуналарини сотади.

Махсулот сертификатланган.

Манзил: Тошкент виллояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А» уй, «Харакатгаз Технология» МЧЖ.
 Телефонлар: 183-66-88, (8-370-71) 5-59-87, 5-62-27.
 Факс: (8-370-71) 5-61-73.
 E-mail: harakat_2004@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат ўлкадаги жамоаси ва тармоқ қасаба уюшма Марказий Кенгаши «Узгазгаз» раиси Наримон Ғаниевич Мавлоновта волидаи муҳтарамаси, профессор Фотиха МАВЛОНОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Микрокредитбанк» Акциядорлик-тижорат банки жамоаси банк бошқаруви раиси Ж. Сайфиддинова волидаи муҳтарамаси ИСТАТ аниқ вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
 Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида тервалди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Манзил: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — Ю. Жамидов.
 Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
 Навбатчи — О. Файзуев.
 Мухасҳих — Ш. Махраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Ў.А. якуни — 21.30 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 6